

ҚАРОР ВА ИЖРО

“АЛЛЕРГОЛОГИЯ ВА КЛИНИК ИММУНОЛОГИЯ КАФЕДРАСИ” ОЧИЛДИ

Жорий йилнинг 11 майда Президентимизнинг “Аллергик касалликларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги (3715-сонли) Қарори юртимизда ихтисослаштирилган аллергологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш, аллергик касалликларга ташхис қўйиш ва уларни даволашда илғор услубларни жорий этиш, шунингдек, соҳада фаолият кўрсатувчи тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ҳамда кадрлар салоҳиятини мустақамлаш билан боғлиқ барча масалани комплекс тарзда ҳал этишига кўра жуда аҳамиятлидир.

Олий таълим тизимида ташкилий-структур ўзгаришларига ва “Кадрлар тайёрлаш” Миллий дастури талабларига мос равишда замонавий аллергологиянинг оғриқли нуқталари чуқур ўрганилиб таҳлил қилиб чиқилди. Юқоридагилардан хулоса қилган ҳолда клиник аллергология фанини ўқитиш тизими буткул қайта кўриб чиқилди. Президентимиз томонидан имзоланган қарорда кўрсатилганидек Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан биргаликда олий тиббиёт таълим муассасаларидаги ўқув дастурларини танқидий ўрганиш асосида:

Тошкент тиббиёт академияси қошида илк бор янги “Аллергология ва клиник иммунология” кафедраси ташкил этилди. Шу билан бир қаторда 2018-2019 ўқув йилидан клиник ординатурага қабул қилиш квотаси кўпайтирилди. 2019-2020 ўқув йилидан аллергология ва клиник иммунология мутахассислиги бўйича магистратура йўналиши очилади. Бакалавр бўйича эндиликда даволаш ва тиббий педагогика факультети талабалари кафедраси 2 босқичда ташриф буюрадилар. 1 босқич 5-курс даволаш ва тиббий педагогика факультети талабалари “Умумий аллергология” фанини ўқийдилар. Бунда 30 соат амалий машғулот ва 6 соат маъруза тинглайдилар. 2 босқичда эса 6-курс даволаш ва тиббий педагогика факультети талабалари “Клиник аллергология” фанини ўқийдилар. Бунда эса амалий машғулот 32 соат ва 6 соат маъруза тинглайдилар. Жами ҳар икки 5-6 курсларда, ҳар икки даволаш ва тиббий педагогика факультети талабалари 62 соат амалий машғулот ва 12 соат маъруза тинглайдилар. Бакалаврлар учун ажратилган жами ўқув соатлари бўйича 74 соат дарс ўтадилар. Хориж стандартларида тиббий олийгоҳ

талабалари аллергология ва клиник иммунология кафедраларида 70 соатлик цикл дарсларини ўқийдилар. Кўриниб турибдики дарс учун ажратилган ўқув соатлари жаҳон андозаларига мос келиб турибди.

Кафедрада 6 та ўқув хоналари ажратилиб улар айна кунларда РИИАМ раҳбарияти томонидан таъмирдан чиқарилмоқда. Талабалар учун ўқув хоналарида фойдаланиладиган стол-стул, шкаф, компьютер ва бошқа ўқув анжомлари учун ТТА ректори номига сўровнома топширилган. Ўйлаймизки, яқин кунлар ичида бу анжомларни кафедрага қабул қилиб оламиз.

Қарорда кўрсатилган бир қатор ечимлар аллергология ва клиник иммунология соҳаларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, кадрлар салоҳиятини яхшилаш, бу борада етакчи ва илғор бўлган давлатларнинг тиббий муассасалари билан яқин ва самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш кўрсатиб ўтилган. Кўрсатиб ўтилган далил ва рақамлардан кўриниб турибдики, Президентимиз томонидан имзоланган қарор ҳозирги кундаги энг долзарб муаммо аллергик хасталикларни профилактика қилиш, уларга ташхис қўйиш ва даволашни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирларига қаратилганлиги бежиз эмас. Зеро XXI аср аллергия асрида республикамиз аҳолисини соғломлаштиришга ҳамда аср вабоси бўлган аллергик хасталикларнинг барҳам топишига ўз муносиб ҳиссамизни қўйиш ҳар бир тиббиёт ходими учун ҳам қарз, ҳам фарздир.

Қ.НИЗОМОВ,
“Тиббиётнома” махсус муҳбири



TIBBIYOTNOMA

TOSHKENT TIBBIYOT AKADEMIYASI NASHR

№ 8 2018 YIL 30 AVGUST



БАЙРАМ ҚУТЛОВИ

Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирши имконини бергани, юртдошларимизнинг барча соҳаларда ўз истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун беқиёс имкониятлар яратгани билан қадрлидир.

Халқимиз энг улғу, энг азиз айём – Мустақиллигимизнинг йигирма етти йиллигини қизғин нишонламоқда. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади.

Айтиш жоизки, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ эзгу интилишдир. Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улғуланаётганидан далолатдир.

Ҳурматли профессор-ўқитувчилар, қадрли талаба-ёшлар! Сизларни барчамиз учун қадрли бўлган Истиқлолимизнинг 27 йиллиги билан чин юракдан самимий муборакбод этаман. Сизларга ҳамшиша соғлиқ-омонлик, ўқиш ва ишларингизда улкан муваффақиятлар, оилангизга тинчлик-хотиржамлик тилайман.

Тошкент Тиббиёт академияси ректори
Л.Тўйчиев

ИСТИҚЛОЛИ – АБАДИЙ, ИСТИҚБОЛИ – МУНАВВАР ЎЗБЕКИСТОН.....



Бугун халқимиз ўзининг энг улғу ва азиз байрами – мамлакатимиз мустақиллигининг 27 йиллигини кенг нишонламоқда. Бу байрам

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг 2018 йил 28 июнда қабул қилган “Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма етти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги Қарорига кўра “Азиз ва ягонамансан, жонажон Ўзбекистоним!” шиори остида ўтмоқда.

Жаҳон жамоатчилиги 1991 йил 31 август кунини Ўзбекистон Республикаси Биринчи Президенти Ислам Каримовнинг Ватанимиз мустақиллигини эълон қилгандан сўнг Марказий Осиё минтақасида улғу ажодлари ва буюк мутафаккирлари башарият цивилизацияси, илм-фан ва маданияти ривожига беқиёс ҳисса қўшган, бой тарих ва маданий меросга, улкан иқтисодий ва маънавий салоҳиятга эга мамлакат ва халқ борлигидан ҳамда дунё сиёсий харитасида янги мустақил давлат пайдо бўлганидан хабар топди. Мустақиллик шарофати билан янги тарихий давр бошланди. Халқимиз, миллатимиз сиёсий ва иқтисодий мустақилликка эришди. Мустақиллик – халқимиз учун эркин, бахтли ва фаровон ҳаёт кечирши имкониятини бергани, инсоннинг барча соҳада истеъдод ва қобилиятини тўла намоён этиши, ҳуқуқ ва эркинликларини рўёбга чиқариши учун

мустақам ҳуқуқий асос бўлиб келаётгани билан қадрлидир. Ватанимиз тарихида бу йиллар истиқболимизнинг мустақамлангани, демократик тамойиллар ҳамда бозор иқтисодиёти асосларига таянган янги жамият, янги давлат қуриш йўлидаги асрларга тенг йиллар сифатида қадрланади. Аждодларимиз энг буюк, қутлуғ эзгу ниятлари бўлган мустақилликка эришган Ўзбекистон 27 йиллик қисқа давр мобайнида катта ютуқларни қўлга киритди: ижтимоий-сиёсий соҳада, ижтимоий-иқтисодий соҳада, халқаро муносабатлар соҳасида катта ютуқларни қўлга киритиб, дунё миқёсида тан олинди.

Бугун айни айём чоғида Ўзбекистоннинг улкан қурилишлар майдонига айлангани тараққиётида тинч-осойишталикнинг аҳамияти чексиз.

(Давоми 2-бетда.)

MUASSIS:
**TOSHKENT
TIBBIYOT
AKADEMIYASI**

MUHARRIR
**TURDIQUL
BOBOMURATOV**

TAHRIR HAYATI:
Q.Nizomov (Bosh muharrir o'rinbosari),
O.Hazratov, D.Hidayeva, D.Norgulov,
L.Abdugodirova, D. Xudoyqulov


Gazeta Pentium-IV
kompyuterida sahifalandi va Toshkent
Tibbiyot akademiyasi RISOGRAFida
400 nusxada chop etildi.
Manziliimiz:
Toshkent shahri, Farobiy
ko'chasi, 2-uy
Nashr uchun ma'sul
Q. Nizomov

Gazeta Toshkent Matbuot va axborot
boshqarmasida 2007-yil 15-yanvarda
02-0049 raqam bilan ro'yxatga olingan

Mualliflar fikri tahririyat nuqati nazaridan farqlanishi
mumkin. Maqolalardagi ma'lumotlar uchun
mualliflar javobgardir
Бепул тарқатилади



**Шукримда шамол бор сенга ҳам етсин,
Кел, болам, у сени етаклаб кетсин.**





ИСТИҚЛОЛИ – АБАДИЙ, ИСТИҚБОЛИ – МУНАВВАР ЎЗБЕКИСТОН.....

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Юртимизнинг қайси гўшасига борманг, бунёд этилаётган улкан қурилишлар иншоотларини кўрасиз. Мустақиллик айёми олди юртимиздаги бунёдкорлик ишларини кўриб, муқаддас ва бетакрор мамлакатимизда яшаётган ҳар бир инсон қалби гўри ва ифтихор туйғуси билан тўлиб-тошади. Чунки, мустақиллик берган неъматлар, кенг имкониятлар гўёки сўз билан таърифга сизмагандек. Айниқса, қисқа вақт ичида пойтахтимизда бунёд этилган янги таълим, санъат иншоотлари, манзиллимиз яқин қилувчи кўприклар, гўзал боғроғлар, обод кўчалардаги гўзал манзараларни баъзида санаб адоғига ета олмайсан. Тошкент йирик мегаполисга айланмоқда. Шарқ дарвозаси бўлмиш қадимий ва навқирон Тошкент кундан-кунга чирой ошмоқда. Пойтахтимизда улкан бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Ундаги бетакрор меъморий обидалар, муқаддас қадамжолар ва маданий ёдгорликлар, маҳобатли иншоотлар, кенг ва озода кўчалар, сўлим боғлар ва сержило фавворалар ҳар қандай кишини мафтун этади.

Соғлиқни сақлаш тизимида изчиллик билан амалга оширилаётган ислохотлар ҳам юртимизда инсон умри, унинг сиҳат-саломатлиги олий қадрият сифатида амалда улуғланаётганидан далолатдир. Тизим моддий-техника базасининг муттасил яхшиланиши, етук мутахассислар тайёрлашга эътибор ва тиббиёт ходимларининг ҳар томонлама моддий-маънавий қўллаб-қувватланиши натижасида соҳада улкан ўзгаришлар юз бермоқда.

Соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш орзуси айнан мустақиллик билан боғлиқ эзгу интилишдир. Истиқлолнинг биринчи кунларидан бошлаб, уни амалга ошириш энг устувор вазифаларидан бири бўлиб келмоқда. Улар учун жаҳоннинг энг замонавий фан ва техника ютуқларидан хабардор бўлиш ва нуфузли таъ-

лим даргоҳларида ўқиш имконияти туғилди. Таълим, ҳар томонлама баркамол бўлиб ўсиш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилмоқда.

Йигит-қизларимизнинг пухта таълим ва тарбия олиши, интеллектуал даражасини юксалтиришга қўмаклашиш мақсадида “Ёшларга оид Давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонунининг амалга оширилиши, шунингдек 2018 йил 28 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан “**Ёшлар – келажакимиз**” Давлат дастури тўғрисидаги Фармоннинг имзоланиши эса ёшларнинг бизнес ташаббуслари, стартаплари, ғоялари ва лойиҳаларини рўёбга чиқаришга қўмаклашиш ва қўллаб-қувватлашишга қаратилган.

Мустақиллик – жамиятдан ажралмаган ҳолда дунё муаммолари ўз тақдири билан боғлиқ бўлган истиқболдир. Мустақиллик туфайли Ўзбекистон халқаро миқёсда ўзини танитиш, айна чоғда халқаро ҳуқуқ меъёрлари асосида жаҳондаги барча давлатлар билан тенг ҳамкорлик қилиш имкониятини қўлга киритди. Мустақилликка эришган давлатимиз бугун дунё ҳамжамияти олдида ўзининг мустақкам обрўси ва юксак мавқеисига эга бўлиб бормоқда. Чунки, 2018 йилнинг 27 июнь куни БМТ Бош Ассамблеяси “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустақкамлаш” резолюциясини қабул қилди. Резолюциянинг қабул қилиниши Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида илгари сурилган ташаббуснинг амалий ижроси ҳисобланади. Ҳозирги кунда Ўзбекистон дунё мам-



лакатлари ҳамжамияти орасида ўз ўрнини топишга ҳаракат қилмоқда. Ўзбекистон эндиликда жаҳон илғор технологиясини олиб келишга, фан ва техниканинг охириги ютуқлари ҳамда жаҳон маданиятини чуқурроқ ўзлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Турли миллат ва элат вакиллари-ни ўзида бирлаштирган Ўзбекистон бугун тамоман қайта қурилиб, обод бўлмоқда, йигирма биринчи асрга илму фанда янги кашфиётлар, “**Ҳаракатлар стратегияси**”га асосланган ўзи танлаб олган йўл-очиқ, эркин, бозор иқтисодиётига асосланган одил жамият, кучли демократик, ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олға қадамлар, янги тараққиёт билан кириб келди.

Юртимизда ҳар куни эрталаб мунаввар истиқбол тонгини қарши оламиз.

Уни эъзозлаб, авайлаб, асрайлик, зеро, истиқлол берган истиқболли юртимиз камоли абадий нурафшон, ёруғ бўлсин!

Зотан шеърий сатрларда битилгандек:

Сен менинг файзли ўтган ҳар оним,

Эътиқод, имконим, юксаклик шоним.

Истиқлол байроғин баланд кўтаргум,

**Истиқболи ойдин Ўзбекистоним....
Шаҳноза ХОДЖАНОВА,
2-сон факультет ва госпитал
терапия кафедраси ассистенти**

КАМТАРЛИКДАН ТОПИЛГАН КАМОЛ

Амантурди Миртазаев Тошкент Тиббиёт академияси эпидемиология кафедраси профессори, тиббиёт фанлари доктори, Россия Тиббий-техника фанлар академиясининг академиги



А. Миртазаев 1948 йили 5 июлда Қашқадарё вилояти, Деҳқонобод туманида чўпон оиласида туғилган, ўзбек. Деҳқонобод туманидаги С.Раҳимов ва Ломоносов номи, Қамаш туманидаги “Коммунист” номи мактабларда таҳсил олиб, ўрта мактабни “аъло”

баҳолаб тамамлаб, 1965 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтининг санитария-гигиена факультетига ўқишга кирди. 1971 йили Тошкент Давлат тиббиёт институтини имтиёзли диплом билан тугатди. Институтдан кейин ТошДавТИнинг эпидемиология кафедрасида стажёр-тадқиқотчи, аспирант, ассистент, доцент, кафедра мудири лавозимларида фаолият кўрсатган. 1991-1993 йиллари Москва шаҳрида Марказий Эпидемиология илмий-тадқиқот институтида мақсадли докторантурада таҳсил олган. 1981 йили номзодлик, 1993 йили докторлик диссертацияларини ҳимоя қилган.

А.Миртазаев ва шогирдларининг илмий ишлари асосида Ўзбекистон шароитида сальмонеллэзлар, қорин тифи, вирусли гепатитлар, ичбуруғ касалликларининг эпидемиологияси бўйича янги маълумотлар олинди ва уларнинг профилактикаси такомиллаштирилди. Илмий-тадқиқот ишларининг натижалари Соғлиқни сақлаш вазирлигининг бир неча буйруқлари ва миллий эмлаш тақвимларининг чиқарилишига асос бўлган.

Уларнинг раҳбарлигида тиббий-профилактика факультети кафедраларининг моддий-техника базаси яхшиланди, ўқув жараёнига янги педагогик технологиялар, компьютер технологиялари, интерактив ўқитиш усуллари, талабаларнинг мустақил ишлари жорий қилинди. Ўқув жараёнини такомиллаштириш учун академияда А.Миртазаевнинг бевосита раҳбарлигида туман Давлат санитария-эпидемиология назорати марказининг модули ташкил қилинди.

А.Миртазаев 5 та дарслик, 2 та монография, 300 дан ортиқ илмий мақолалар, 15 та ўқув қўлланмалар чоп этган. Улар ўзбек тилида биринчи мартаба ёзилган “Эпидемиологиядан амалий машғулотлар учун қўлланма” (2003) ва Эпидемиология (2016) дарслик китобларининг муаллифидир. Уларнинг раҳбарлигида 2 та докторлик, 6 та номзодлик ва 10 та магистрлик диссертациялари ҳимоя қилинган. А.Миртазаев Ўзбекистоннинг етук эпидемиолог олимларидан. Улар эпидемиология фанининг назарий ва амалий асосларини яратишга салмоқли ҳисса қўшган. 2000 йилдан ҳозиргача Ўзбекистон Республикаси эпидемиолог врачлар уюшмасининг раиси. Ўзбекистонда биринчи мартаба “Саломатлик”

институтини ва унинг вилоятлардаги 14 та филиалларини ташкил қилиб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга салмоқли ҳисса қўшди. Уларнинг раҳбарлигида 2005, яъни “Саломатлик” йилида “Соғлом турмуш асослари” номи китоб чоп қилинганлиги, мамлакатимиз Конституциясининг 14 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали мажлисда Ўзбекистоннинг Биринчи Президенти томонидан эътироф этилган.

А.Миртазаев Германия, Шотландия, Дания, Туркия, Латвия ва Мустақил ҳамдўстлик мамлакатларида бўлиб, у ерлардаги профилактик тиббиёт билан яқиндан танишиб, уларнинг ижобий томонларини Республикаимизга жорий этган. Уларнинг кўпгина илмий мақолалари ва тезислари юқорида қайд қилинган мамлакатларда чоп этилган.

Профессорнинг саъй-ҳаракатлари билан тиббиёт олийгоҳлари талабалари, магистрлари, амалиётдаги эпидемиолог шифокорлар учун дарсликлар, ўқув қўлланмалари ишлаб чиқилди, улардан ўқув жараёнида ва амалиётда фойдаланилмоқда. Захматкаш мураббийнинг шогирдлари айна пайтда тиббиёт олийгоҳлари кафедраларида, илмий-тадқиқот институтлари ва профилактик тиббиёт муассасаларида фаолият кўрсатиб, Республикаимиз тиббиёти равангига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Академия мураббийлар кенгашининг раиси сифатида талаба-ёшлар орасида таълим ва соғлиқни сақлаш тизимига оид Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Президентимизнинг ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ҳамда Фармонлари моҳиятини тарғиб қилишда фаол иштирок этапти.

Жамоат ишларида фаол. 15 йил мобайнида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация ҳайъати эксперти, Давлат тест марказида хорижий дипломларни нострификация қилиш бўйича эксперт ҳайъати аъзоси, сўнгги 20 йил мобайнида санитария-эпидемиология соҳасидаги врачларга малакавий тоифа бериш бўйича Республика Аттестация ҳайъати аъзоси, Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Бош эпидемиолог сифатида мамлакатимизда мустақиллик йиллари эришилган ютуқларга А.Миртазаев муносиб ҳисса қўшди.

Устоз “Актуальные вопросы формирования здорового образа жизни, профилактики заболеваний и укрепления здоровья” (Алма-ата), “Эпидемиология и вакцинология” (Москва), “Зооветеринария” (Тошкент) журналларининг ҳайъат аъзосидир.

Оилали. 5 нафар фарзандларнинг отаси, 10 нафар набираларнинг бобоси. У фидойи, камтарин ва изланувчан олим, моҳир педагог-устоз, академия жамоаси орасида катта ҳурматга эга.

Алижон ЗОҲИДИЙ

